Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 22 июль • № 29 (842)

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2011 йил 20 июль № 212 Тошкент шаҳри

### 2011/2012 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш ҳақида

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режасига биноан, шунингдек, тиббиётнинг долзарб йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ва талабни эътиборга олиб, вазирлик буюртмасига асосан**

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Клиник ординатура орқали мутахассисларни 2011/2012 ўқув йилида тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхатини 1-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, ТошВМОИ, илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган ва илмий марказлар бўйича 2011/2012 ўқув йилида клиник ординатурага умумий тартибда қабул қилинадиган ўринлар режасини 2-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, ТошВМОИ бўйича 2011/2012 ўқув йилида вилоятлар квотаси бўйича клиник ординатурага қабул қилиш режасини 3-иловага мувофиқ;

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, ихтисослаштирилган ва илмий марказларда мақсадли клиник ординатурага қабул қилиш режасини 4-иловага мувофиқ;

2011/2012 ўқув йилида клиник ординатура қабули тест ва оғзаки имтиҳон синовларини олий таълим муассасалари, ТошВМОИ, ИТИ, илмий ва ихтисослаштирилган марказларда ташкил этиш жадвалини 5-иловага мувофиқ;

2011/2012 ўқув йилида клиник ординатура қабули бўйича масъул котиблар рўйхати 6-иловага мувофиқ;

олий таълим муассасалари, ТошВМОИ, ИТИ, ихтисослаштирилган ва илмий марказлар клиник ординаторларини «Миллий истиқлол ғояси» фанини ўқитиш учун ТошВМОИ, олий таълим муассасаларига бириктириш жадвали 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 319-сонли қарори билан тасдиқланган "Клиник ординатура тўғрисида"ги Низомга асосан қабул ва ўқиш жараёни амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник ординатурага қабул қилиш тартибига асосан:

- клиник ординатурага танлов икки босқичда амалга оширилсин. Биринчи босқич (тест синовлари) баҳолари – 50 фоиз, иккинчи босқич (оғзаки синов) баҳолари – 50 фоиз билим кўрсаткичлари деб қабул қилинсин;

- биринчи ва иккинчи босқич баҳолари йиғиндиси клиник ординатурага кириш баллининг 30 фоиздан кам бўлган ҳолларда, ушбу врачлар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

4. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2006 йил 17 апрелдаги 160-сонли "Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда тиббиёт (врачлик) ва фармацевт мутахассисликлари ва лавозимлар номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғининг 1-иловасига асосан клиник ординатура орқали мутахассисларни 2011/2012 ўқув йилида тайёрлаш 1-иловада келтирилган мутахассисликлар рўйхати асосида амалга оширилсин.

5. Клиник ординатура қабули эълонини оммавий ахборот воситалари орқали чоп этиш "Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетаси (И. Соатова) ва

**(Давоми 2-бетда).**

Юртим, сени қадим достонларинг бор,
Жаннатга баробар бўстонларинг бор,
Шаҳид кетган Фитрат, Чўлпонларинг бор,
Сарҳадингда мард ўғлонларинг бор,
Қўрғони мустаҳкам кошона – Ватан!




**Истиқлоли порлоқ юртимнинг ҳар гўшаси муқаддас менга!**

Ташаббус ва имконият

## «САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ» ЯНГИ БОСҚИЧДА

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш, муносиб ютуқлар билан кутиб олиш, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда касалланиш кўрсаткичларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 14 июль куни 207-сонли буйруғи қабул қилинди.***

Мазкур буйруқнинг мазмун-моҳияти шундаки, 24-30 июль кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида **«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин»** шиори остида саломатлик ҳафталиги ўтказилади. Ушбу тадбир доирасида республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, олий таълим муассасаларининг етакчи олимлари, малакали мутахассислар иштирок этиб, аҳолининг барча қатламини тиббий кўрикдан ўтказадилар.

– Республика бўйлаб ўтказилиши кўзда тутилган тиббий кўрик халқимиз саломатлигини сақлаш баробарида уларнинг соғликлари ва тиббиётга бўлган ишончи ҳамда эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилади. Ҳафталик доирасида тарғибот-ташвиқот ишлари, касаллик кўрсаткичларининг таҳлили ва зарур тавсиялар мутахассислар томонидан режали тарзда ташкил этилади, – **дейди вазирликнинг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси бошлиғи Дониёр Миразимов.**

«Саломатлик ҳафталиги»да асосий эътибор кўпроқ, она-бола саломатлигини яхшилаш, уларга чуқурлаштирилган тиббий ёрдам хизматини кўрсатиш, фертил ва туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, пировардида соғлом авлод дунёга келишида етарли шарт-шароитларни яратиб бериш масъулияти туради.

– Бу албатта, кенг қамровли тадбир ҳисобланиб, ўз замирида оналик ва болалик муҳофазасини янада кенгроқ акс эттиради. Тиббий кўрикка жалб этилган мутахассислар олдидаги яна бир муҳим вазифа – аҳолининг тўлақонли манфаатларига хизмат қилиш, улар саломатлиги бўйича жиддий назоратни олиб бориш, касаллик кўрсаткичлари юзасидан мониторинг натижаларини таҳлил қилиш ва керакли тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Айнан шу каби соғломлаштириш ҳафталигининг тез-тез ташкил этилиши, аввало, халқимизнинг саломатлик ҳақидаги қарашлари ва ўз-ўзига ғамхўрлик ҳиссини кучайтиради, – **дейди вазирликнинг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилором Аҳмедова.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамовнинг бевосита ташаббуси ва таклифлари асосида мустақиллик айёми олди ўтказилаётган «Саломатлик ҳафталиги» тиббиёт ислоҳотлари кўламини янада кенгайтириб, саломатлик кўрсаткичлари юқори босқичга кўтарилишида ўз самарасини беради.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2011 йил 20 июль № 212 Тошкент шаҳри.

# 2011/2012 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

интернет тармоғи орқали ёритиш Электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш марказига (М. В. Боймуҳамедов) юклатилсин.

6. Олий таълим муассасалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорлари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч, ТошПТИнинг Нукус филиаллари, илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган ва илмий марказлар, уларнинг филиаллари директорларига:

- клиник ординатурага қабул оммавий ахборот воситаларида танлов эълон этилган кундан бошлаб, яъни 20 августгача (шу куни ҳам) қабул қилинсин;

- қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумот жорий йилнинг 23 августига қадар ўрнатилган тартибда Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига топширилсин (шакл илова қилинади);

- клиник ординатурага қабул жорий йилнинг 10 сентябрига қадар таъминлансин;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар квотаси бўйича берилган мақсадли ўринларга танлов ҳар бир вилоят учун алоҳида ташкил этилсин ва ажратилган ўринларга ушбу регионларда яшовчи ёки бошқа вилоятларда ишлаш истагини билдирган врачлар қабул қилинсин;

- илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган ва илмий марказлар учун клиник ординатурага берилган ўринларга танловда иштирок этувчи врачларга танловнинг биринчи босқичи – тест синовлари 5-иловада бириктирилган тартибда ташкил этилсин. Ушбу тест синовлари бепул ўтказилсин;

- илмий-текшириш институтлари ва марказлар клиник ординаторлари «Миллий истиқлол ғояси» фанини ўқитиш учун Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, олий таълим муассасаларига 7-иловада келтирилган тартибда бириктирилсин;

- клиник ординатурага қабул қилиш режаси бажарганлиги тўғрисидаги ҳисобот жорий йилнинг 14 сентябригача Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига топширилсин;

- клиник ординатурага кириш учун танловда иштирок этувчи ҳар бир врачга унинг ҳужжатлари қабул қилинганлиги ва имтиҳон синовлари муддати кўрсатилган маълумотнома қабул комиссияси томонидан берилсин;

- клиник ординатурада 2011/2012 йил қабули бўйича ўқув жараёни жорий йилнинг 12 сентябридан бошлансин;

- ОТМ битирувчиларини клиник ординатурага қабул қилган ҳар бир муассаса уларни ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида, улар билан тузилган “Уч томонлама шартнома” нусхасини ва битирувчиларга ОТМ томонидан тақдим этилган “Ишга қабул қилинганлик тўғрисидаги йўлланма”ни тўлдириб, улар битирган олий таълим муассасасига тақдим этсин;

- клиник ординатурани тугатган ҳар бир мутахассисни ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида, улар тўғрисидаги маълумот Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига тақдим этилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

- ажратилган квота доирасида туманларни эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, врачларни танловда иштирок этиш учун жалб этиш юклатилсин.

8. Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари (А. В. Алимов) билан ҳамкорликда Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига (Ш. Э. Атаханов):

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун клиник ординатурага ажратилган ўринлар тўлдирилмаса, улар регионал квота доирасида қайта тақсимлаш юклатилсин;

- Тошкент шаҳрида танловдан ўтган врачлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, илмий ва ихтисослаштирилган марказлар филиалларида ўқиш розилигини билдирган ҳолда, уларни вилоят квотаси доирасида юбориш юклатилсин;

- буйруқда кўрсатилмаган мутахассисликларга мақсадли эҳтиёж бўлган ҳолларда қўшимча мутахассисликлар (тасдиқланган ўқув дастури мавжуд бўлган ҳолларда) очилиши юклатилсин.

9. Иқтисодиёт, маблағ билан таъминлаш ва истиқболни аниқлаш Бош бошқармасига (Б. А. Хашимов):

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2011/2012 ўқув йилида клиник ординаторларни тайёрлаш бир йиллик ўқитиш қиймати ҳисоб-китоблари жорий йилнинг 1 августига қадар ишлаб чиқилсин;

- олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари ва марказлардаги клиник ординаторлар учун «Миллий истиқлол ғояси» фанини икки йил мобайнида умумий 108 соат ўқитиш учун сарф-харажатлари ҳисоб-китоби ишлаб чиқилсин ва маблағ билан таъминлаш юклатилсин.

10. Белгилаб қўйилсинки клиник ординатурани тугатган врачлар мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлигини тасдиқловчи меҳнат дафтарчасини тақдим этганларидан сўнг уларга гувоҳнома берилади.

11. Ушбу буйруқнинг ижро назорати Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. В. Алимовга юклатилсин.

**Вазир А. ИКРАМОВ.**

*(Мазкур буйруқнинг иловалари билан 4-7-саҳифаларда танишасиз).*

# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

2011 йил 22 июнь № 178 Тошкент шаҳри

## Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салонида бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 215-модда) 17-моддасига мувофиқ буюраман:

1. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салонида бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир А. ИКРАМОВ.**

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 22 июндаги 178-сон буйруғига илова*

**Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салонида бўлиши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар РЎЙХАТИ**

| № | Тиббий ашёлар номи | Чиқарилиш шакли (ўлчами) | Миқдори, автотранспорт категориясига кўра | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | B (M1) | C (N1, N2, N3) | D (M2, M3) |
| **I** | **Ташқи қон кетишни вақтинчалик тўхтатиш ва жароҳатларга боғлам қўйиш учун** | | | | |
| 1. | Қон тўхтатувчи жгут | | 1 дона | 1 дона | 3 дона |
| 2. | Ностерил тиббий докали бинт | 5м х 5см | 2 дона | 2 дона | 5 дона |
| 3. | Ностерил тиббий докали бинт | 5м х 10см | 2 дона | 2 дона | 5 дона |
| 4. | Ностерил тиббий докали бинт | 7м х 14см | 1 дона | 1 дона | 3 дона |
| 5. | Ностерил тиббий докали бинт | 5м х 7см | 2 дона | 2 дона | 5 дона |
| 6. | Стерил тиббий докали бинт | 5м х 10см | 2 дона | 2 дона | 5 дона |
| 7. | Стерил тиббий докали бинт | 7м х 14см | 1 дона | 1 дона | 5 дона |
| 8. | Стерил боғлам учун пакет | | 1 дона | 1 дона | 5 дона |
| 9. | Стерил тиббий докали салфеткалар | 16 см х 14 см.дан кам бўлмаган, №10 | 1 қути | 1 қути | 3 қути |
| 10. | Бактерицид лейкопластирь | 4 см х 10 см.дан кам бўлмаган | 2 дона | 2 дона | 5 дона |
| 11. | Бактерицид лейкопластирь | 1,9 см х 7,2 см.дан кам бўлмаган | 2 дона | 5 дона | 15 дона |
| 12. | Рулонли лейкопластирь | 1см х 250 см.дан кам бўлмаган | 1 дона | 1 дона | 3 дона |
| **II** | **Юрак-ўпка реанимацияси воситалари** | | | | |
| 1. | «Оғиз – восита – оғиз» усулида сунъий нафас ўтказиш учун тўсиқ воситаси | | 1 дона | 1 дона | 2 дона |
| **III** | **Бошқа воситалар** | | | | |
| 1. | Аммиак эритмаси – 10 % (нашатир спирти) | Флакон | 1 дона | 1 дона | 2 дона |
| 2. | Қайчи | | 1 дона | 1 дона | 2 дона |
| 3. | Тиббий қўлқоплар | Ўлчами «М»дан кам бўлмаган | 1 жуфт | 1 жуфт | 5 жуфт |
| 4. | Тиббиёт қутичаси | | 1 дона | | |

*Изоҳ:*

*1. Яроқлилик муддати ўтган ва ўрамига зарар етган дори воситалари ҳамда тиббий ашёлар қўлланилиши тақиқланади.*

*2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори (Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг 3-иловаси, 7-боби, 7.9-банди талабларига мувофиқ тиббиёт қутичаси транспорт воситаларини ишлаб чиқарган ташкилот томонидан белгиланган жойга мустаҳкам ўрнатилади. Агар транспорт воситаси конструкциясида бундай жой кўзда тутилмаган бўлса, тиббиёт қутичаси осон олинадиган жойда бўлиши лозим.*

*Ушбу рўйхат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.*

**Ушбу буйруқ 2011 йил 5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.**
**Буйруқ 2011 йил 15 июлдан кучга кирган ҳисобланади.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Депутат минбари*

# ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда телекоммуникация тармоғи жадал суръатлар билан ривожлана бошлади ва соҳадаги ислоҳотлар тадрижий ҳамда тизимли равишда олиб борилганлиги боис, тармоқнинг бугунги тараққиёти бўйича юртимизда ўзига хос тажриба тўпланганлигини дунёнинг таниқли экспертлари ҳам очиқ эътироф этишмоқда. Албатта, бундай салмоқли натижаларга эришишнинг сабабларидан бири ривожланиш ва юксалиш учун зарур шароитларни таъминловчи мукаммал ҳуқуқий базанинг мавжудлигидир. Бунда энг муҳим ҳужжатлардан бири – 1999 йилда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳисобланади.***

Бугун биз ҳаётимизни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, интернет, мобиль алоқасиз тасаввур этишимиз қийин. Муҳтарам Юртбошимиз истиқлолимизнинг дастлабки йилларида: «Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация тизимини ривожи бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ ҳис қилишимиз керак», деб таъкидлаган эдилар. Ушбу дастурламал сўзлардан келиб чиқиб, юртимизда алоқа соҳаси учун ҳуқуқий база, қулай сармоявий муҳит, моддий-техник шароитлар яратилди. Солиқ ва божхона имтиёзлари туфайли соҳада кенг миқёсли реконструкция ҳамда модернизация ишлари бажарилди. Шаҳар ва қишлоқларда рақамли телефон станциялари ўрнатилиб, маҳаллий ҳамда халқаро аҳамиятдаги оптик толали кабель линиялари қурилди. Натижада замонавий алоқа ва телекоммуникация тизими вужудга келди. Бу йўналишда хизматлар бозори шаклланиб, халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда иқтисодиётнинг ривожланиши, давлат бошқаруви самарадорлигининг ошиши, ҳукумат ва фуқаролар ўртасида мустаҳкам алоқани таъминлашда замонавий ахборот технологияларининг нақадар муҳимлиги ва долзарблигини инобатга олган ҳолда, ахборот коммуникация технологиялари соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Телекоммуникация тармоқларининг фойдаланиладиган ахборот технологияларининг тез алмашиши, принципиал янги телекоммуникация хизматларининг пайдо бўлиши ва таклиф этиладиган телекоммуникация хизматлари сони ҳамда сифатининг ошиши, соҳа субъектлари ўртасида иқтисодий ўзаро муносабатларни ташкил этиш тамойилларининг ўзгариши билан асосланди.

Сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш ташаббуси илгари сурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Р-3560-сонли Фармойиши билан тасдиқланган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини ахборот соҳасида қайта шакллантириш ҳамда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш жабҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисидаги Дастури”ни амалга ошириш мақсадида тузилган эксперт гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу ишчи гуруҳ ишида Қонунчилик палатаси ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси аъзолари ҳам фаол иштирок этишди. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади – давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ҳисобига сиёсий модернизациялашни таъминлашдир.

Қонун лойиҳасида фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлашнинг, ахборотлаштириш ҳамда телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, телекоммуникация ахборотишлаб чиқиш алоқа хизматларининг, маълумот узатиш ва тарқатишнинг ҳозирги бозорини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланган. Унда интернет жаҳон ахборот тармоғи миллий сегментининг адрес макони ва домен номларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи янги нормалар ўз ифодасини топган. Бу эса, телекоммуникациялар соҳасидаги ўлчов бирлиги ва зарур аниқлигини таъминлаш ва оқибатда, телекоммуникация техник воситаларининг ишлаш сифатини ошириш, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги миллий сегментимизнинг адрес маконини маъмурий бошқариш процедураларини белгилаш имкониятларини яратади.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар фаолиятига ва фуқароларнинг кундалик ҳаётига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий қилиниши ҳамда аҳолига телекоммуникация тармоқлари асосида тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш эркинлигини ошириш учун шароитлар яратиш мақсадида идоравий ва ажратилган телекоммуникация тармоқлари ҳолатини сифат жиҳатидан янада яхшилашга реал замин бўлади. Унда телекоммуникация тармоқлари ва телекоммуникация тармоғи операторини тармоқлараро уланишларини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилишга қаратилган меъёрларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар охирги (терминал) ускуна, телекоммуникация оператори каби фойдаланиладиган таърифлар таҳририни аниқлаштиради ҳамда янги тушунчаларини киритмоқда.

“Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуннинг амалдаги таҳририга келтирилган меъёрий ҳужжатларнинг тоифаларини “талаблар” умумий атамаси билан умумлаштирилиб, “Техник тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан моддаларда мавжуд бўлган “стандартлар”, “техник шартлар” ва “нормалар” атамалари чиқарилмоқда.

Шунингдек, телекоммуникация тармоқларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, узатиладиган ахборотнинг сир сақланишини янада такомиллаштириш мақсадида Қонунга янги 10[1]-модда киритилмоқда. Унда давлат сирлари ва конфиденциал ахборотни қайта ишлаш учун мўлжалланган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг телекоммуникациялар тармоғи мажбурий аттестациядан ўтказилиши белгиланмоқда. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, мазкур аттестациядан фақат юқорида кўрсатилган ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш ва ўтказишни амалга оширадиган ва шунга мўлжалланган ахборотлаштириш объекти ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси жамият ва давлат қурилиши субъектларининг фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ҳисобига жамият ва давлат қурилиши тизимининг самарадорлиги оширилишини таъминлаб беради.

**Дилбар ХОЛИҚОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитаси аъзоси.**

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

# САНИТАРИЯ НАЗОРАТИДА ҚОНУН ИЖРОСИ

***12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи билан биргаликда “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини такомиллаштириш масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.***

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олиш борасидаги қонунларни такомиллаштириш фаолиятида ҳам катта тажриба тўпланди. Бугунги кунда эса мавжуд экологик муаммоларни ечиш заруратидан келиб чиққан ҳолда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий шериклигини таъминлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Қайд этиш лозимки, инсоннинг қулай атроф-муҳитга эга бўлишини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш нафақат давлат иши, балки жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш таклифи берилди.

Қонунчилик палатасининг депутатлар гуруҳи ташаббуси билан “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўрганиб чиқилди. Мазкур Қонун республикамиз мустақиллигининг илк кунларида қабул қилинган бўлиб, бугунги кунга қадар ушбу қонуннинг нормаларига 1995, 1999, 2000, 2006 ва 2010 йилларда ўзгартишлар киритилган.

Давра суҳбатида аҳолининг санитария-эпидемиология хотиржамлигини таъминлаш, айниқса, атроф-муҳитни соғломлаштириш, меҳнат, турмуш, дам олиш ҳамда ўсиб келаётган ёшларга таълим-тарбия бериш шароитларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига – санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши ташкилий тадбирлар мажмуини амалга ошириш учун шу соҳадаги халқаро нормалар ва замон талабларига жавоб берадиган ҳуқуқий механизмларни акс эттирувчи нормаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, фақат давлат санитария назоратини ўтказиш билан аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлигини таъминлаб бўлмайди. Ҳозирда бу соҳадаги муаммоларнинг самарали ечими нафақат давлат тизимига, шунингдек, жамиятнинг фаоллигига ҳам боғлиқ, деб алоҳида таъкидлади давра суҳбати иштирокчилари. Шу туфайли “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва ваколатли давлат органларининг ижтимоий ҳамкорлигини қўзда тутувчи қўшимча ва ўзгартишлар ҳамда фуқаролар, жисмоний ва юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг фақат ҳуқуқларинигина акс эттирувчи моддалар эмас, балки уларнинг мажбуриятларини ҳам белгиловчи нормалар киритиш зарур.

Шунингдек, ушбу Қонунни такомиллаштириш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида мустақилликнинг илк йилларида бошланган ишларнинг янги босқичга кўтарилишига, фуқаролар саломатлигини сақлашга қаратилган қонунларнинг амалда тўлақонли ижро этилишига, фуқароларнинг Конституциямизда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбир давомида иштирокчилар санитария назоратининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирдилар.

Давра суҳбатида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари томонидан тадбир кун тартибидаги масалалар юзасидан тавсиялар берилди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

# Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 20 июлдаги 212-сонли буйруғига 1-илова*

**Клиник ординатура орқали 2011/2012 ўқув йилида мутахассисларни тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхати**

| | |
|---|---|
| 1. | Акушерлик ва гинекология |
| 2 | Анестезиология ва реаниматология |
| 3. | Ички касалликлар (терапия) |
| 4. | Кардиология |
| 5. | Гематология |
| 6. | Дерматовенерология |
| 7. | Юқумли касалликлар |
| 8. | Неврология |
| 9. | Патологик анатомия |
| 10 | Психиатрия |
| 11 | Тиббий (клиник) радиология |
| 12. | Нейрохирургия |
| 13. | Умумий онкология |
| 14. | Оториноларингология |
| 15. | Офтальмология |
| 16. | Реабилитология (даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти, курортология ва физиотерапия) |
| 17 | Суд тиббиёт экспертизаси ва тиббий ҳуқуқ |
| 18. | Травматология ва ортопедия |
| 19. | Урология |
| 20 | Фтизиатрия |
| 21. | Умумий хирургия |
| 22. | Эндокринология |
| 23 | Болалар анестезиология ва реаниматологияси |
| 24. | Болалар юқумли касалликлари |
| 25. | Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси |
| 26. | Болалар хирургияси |
| 27. | Болалар неврологияси |
| 28. | Педиатрия |
| 29. | Лаборатория иши |
| 30 | Болалар стоматологияси |
| 31 | Терапевтик стоматология |
| 32. | Ортопедик стоматология |
| 33 | Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи) |
| 34. | Юз-жағ хирургияси |
| 35 | Ортодонтия |
| 36 | Наркология |
| 37 | Пульмонология |
| 38 | Неонатология |
| 39. | Ревматология |

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 20 июлдаги 212-сонли буйруғига 2-илова*

**Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, ТошВМОИ, илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган ва илмий марказлар бўйича 2011/2012 ўқув йилида клиник ординатурага умумий тартибда қабул қилинадиган ўринлар режаси**

| **Тошкент педиатрия тиббиёт институти** | | | |
|---|---|---|---|
| | **Жами*** | **Г** | **К** |
| Акушерлик ва гинекология | 3* | - | 3* |
| Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси | 2 | - | 2 |
| Эндокринология | 3 | - | 3 |
| Оториноларингология | 4 | - | 4 |
| Ички касалликлар (терапия) | 4 | - | 4 |
| Кардиология | 3 | 1 | 2 |
| Офтальмология | 4 | - | 4 |
| Педиатрия | 4 | 4 | - |
| Неонатология | 3 | 1 | 2 |
| Юқумли касалликлар | 2 | 2 | - |
| Тери ва таносил касалликлари | 3 | - | 3 |
| Неврология | 3 | 1 | 2 |
| Болалар неврологияси | 4 | 1 | 3 |
| Онкология | 3 | 1 | 2 |
| Психиатрия | 3 | 3 | - |
| Тиббий (клиник) радиология | 4 | 1 | 3 |
| Юз-жағ хирургияси | 3 | - | 3 |
| Травматология ва ортопедия | 3 | - | 3 |
| Фтизиатрия | 3 | 3 | |
| Гематология | 2 | 2 | - |
| Болалар хирургияси | 4 | - | 4 |
| Болалар анестезиология ва реаниматологияси | 4 | 4 | - |
| Наркология | 2 | 2 | - |
| **Жами** | **73 (3*)** | **26** | **47 (3*)** |

| **Тошкент врачлар малакасини ошириш институти** | | | |
|---|---|---|---|
| | **Жами*** | **Г** | **К** |
| Акушерлик ва гинекология | 1* | - | 1* |
| Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси | 1 | - | 1 |
| Эндокринология | 1 | - | 1 |
| Оториноларингология | 1 | - | 1 |
| Ички касалликлар (терапия) | 2 | 1 | 1 |
| Кардиология | 1 | - | 1 |
| Офтальмология | 1 | - | 1 |
| Педиатрия | 2 | 2 | - |
| Неонатология | 1 | 1 | - |
| Юкумли касалликлар | 2 | 2 | - |
| Тери ва таносил касалликлари | 1 | - | 1 |
| Неврология | 2 | 1 | 1 |
| Болалар неврологияси | 1 | - | 1 |
| Онкология | 1 | - | 1 |
| Патологик анатомия | 1 | 1 | - |
| Психиатрия | 2 | 2 | - |
| Тиббий (клиник) радиология | 2 | 1 | 1 |
| Реабилитология (даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти, курортология ва физиотерапия) | 1 | - | 1 |
| Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи) | 1 | | 1 |
| Терапевтик стоматология | 1 | - | 1 |
| Ортопедик стоматология | 1 | - | 1 |
| Болалар стоматологияси | 1 | - | 1 |
| Юз-жағ хирургияси | 1 | | 1 |
| Травматология ва ортопедия | 1 | - | 1 |
| Суд тиббиёт экспертизаси ва тиббий ҳуқуқ | 1 | 1 | - |
| Хирургия | 1 | - | 1 |
| Фтизиатрия | 4 | 4 | - |
| Гематология | 2 | 2 | - |
| Болалар хирургияси | 1 | - | 1 |
| Анестезиология ва реаниматология | 2 | 1 | 1 |
| Болалар анестезиология ва реаниматологияси | 2 | 1 | 1 |
| Урология | 1 | - | 1 |
| Наркология | 2 | 2 | - |
| Болалар юқумли касалликлари | 2 | 2 | - |
| Клиник-лаборатор диагностика | 5 | 1 | 4 |
| **Жами** | **53 (1*)** | **25** | **28 (1*)** |
| **Олий таълим муассасалари бўйича жами** | **126 (4*)** | **51** | **75 (4*)** |
| **Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти** | | | |
| Юқумли касалликлар | 4 | - | 4 |
| **Вирусология илмий-текшириш институти** | | | |
| Юқумли касалликлар | 7 | - | 7 |
| **Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази** | | | |
| Реабилитология (даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти, курортология ва физиотерапия) | 2 | - | 2 |
| Ички касалликлар (терапия) | 6 | - | 6 |
| Кардиология | 6 | - | 6 |
| Ревматология | 5 | - | 5 |
| **Жами** | **19** | **-** | **19** |
| **Академик В. В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази** | | | |
| Тиббий (клиник) радиология | 3 | - | 3 |
| Хирургия | 8 | - | 8 |
| Анестезиология ва реаниматология | 5 | - | 5 |
| **Жами** | **16** | **-** | **16** |
| **Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази** | | | |
| Пульмонология | 6 | - | 6 |
| **Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти** | | | |
| Гематология | 10 | - | 10 |
| **Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази** | | | |
| Кардиология | 22 | - | 22 |
| **Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази** | | | |
| Акушерлик ва гинекология | 20 | - | 20 |
| **Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази** | | | |
| Эндокринология | 14 | - | 14 |
| **Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази** | | | |
| Тери ва таносил касалликлари | 20 | - | 20 |
| **Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази** | | | |
| Педиатрия | 10 | - | 10 |
| Неонатология | 4 | - | 4 |
| **Жами** | **14** | **-** | **14** |
| **Республика онкология илмий маркази** | | | |
| Онкология | 12 | - | 12 |
| **Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти** | | | |
| Травматология ва ортопедия | 20 | - | 20 |
| **Нейрохирургия илмий маркази** | | | |
| Нейрохирургия | 7 | - | 7 |
| **Илмий-текшириш институтлари ва марказлар бўйича жами** | **191** | **-** | **191** |

**Изоҳ:** ** эркин ўринларга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда яшовчи врачлар қабул қилинади. Акушерлик ва гинекология мутахассислиги бундан мустасно, ушбу мутахассисликдан фақат Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда яшовчи врачлар қабул қилинади.*

*Травматология ва ортопедия ИТИ, РИ Терапия ва тиббий реабилитация ИАТМ, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази учун ажратилган ўринлар квотаси доирасида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар биридан 1 нафардан кам бўлмаган врач қабул қилиниши назарда тутилган.*

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 20 июлдаги 212-сонли буйруғига 3-илова*

**Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, ТошВМОИ бўйича 2011/2012 ўқув йилида вилоятлар квотаси бўйича клиник ординатурага қабул қилиш режаси**

| | **Тошкент вилояти** | | | **Сирдарё** | | | **Жиззах** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Мутахассисликлар** | **Жами** | **Грант** | **Кон-тракт** | **Жами** | **Грант** | **Кон-тракт** | **Жами** | **Грант** | **Кон-тракт** |
| Акушерлик ва гинекология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Эндокринология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Оториноларингология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Ички касалликлар (терапия) | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Кардиология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Офтальмология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Педиатрия | **1** | 1 | - | **1** | 1 | - | **1** | 1 | - |
| Неонатология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Юқумли касалликлар | **1** | 1 | - | **1** | 1 | - | **1** | 1 | - |
| Дерматовенерология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Неврология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Болалар неврология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Психиатрия | **1** | 1 | - | **1** | 1 | - | **1** | 1 | - |
| Клиник радиология | **2** | 1 | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи) | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
| Терапевтик стоматология | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 | **1** | - | 1 |
